

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи ишлар вазири

м.ў.  В.Норов  
(имзо)

“ 22 ” сентябрь 2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети ректори



 С.Сафоев  
(имзо)

“ 22 ” сентябрь 2022 йил

**“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани  
Давлат хизматлари маркази

м.ў. \_\_\_\_\_  
(имзо)

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2022 йил

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг**

**УСТАВИ**

(янги таҳрирда)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI ISHLAR VAZIRLIGI  
JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETINING**

**USTAVI**

(yangi tahrirda)

## I. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (*кейинги ўринларда “Университет” деб юритилади*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги ПҚ-3795-сон “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2022 йил 23 июлдаги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига киради ҳамда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган асосий олий таълим муассасаси ҳисобланади:

- халқаро иқтисодиёт ва менежмент;
- халқаро муносабатлар ва сиёсий фанлар;
- халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ.

Университетда буюртмачилар таклифлари ҳамда меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда янги ва замонавий таълим йўналишлари жорий қилиниши мумкин.

2. Университет ўзига бириктирилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида кундузги ўқиш шакли бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси ҳисобланади. Университет илмий ихтисосликлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy-PhD) ва фан доктори (Doctor of Science-DSc) тайёрлаш ҳуқуқига эга.

3. Университет Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва олий таълим тизимига оид меъёрий ҳужжатларга ва ушбу Уставга амал қилади.

4. Университет юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг банкдаги талаб қилиб олинадиган (олингунча сақланадиган) ҳисоб рақамига, шу жумладан, валюта ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган муҳрига, штампига ҳамда ўз фаолиятини юритиш учун бошқа шаклдаги белгиларига эга.

5. Университетнинг номланиши:

- ўзбек тилида – “Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti”;
- инглиз тилида – “University of World Economy and Diplomacy”;
- рус тилида – “Университет мировой экономики и дипломатии”;
- Университетнинг қискартирилган номи – JIDU.

Университет электрон веб-сайтнинг ёзилиши: [www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)

6. Университетнинг юридик манзили: 100137, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 54 уй.

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Дипломатик академия, Истиқболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали таҳририяти ташкил этилган.

Шунингдек, Университетга ЖИДУ қошидаги академик лицей фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда “Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент халқаро мактаби” нодавлат таълим муассасасига ўқув-услубий ва ахборот-ресурс кўмаги бериш вазифалари юклатилади.

## **II. Университетнинг асосий мақсади, вазифаси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари**

### **1. Университетнинг асосий мақсади ва вазифалари:**

- илғор хорижий тажрибадан, шу жумладан, замонавий инновацион педагогик технологиялар ва илмий ишланмалардан фойдаланиш, мамлакатдаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш асосида республика ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолияти соҳасида халқаро мутахассисларни тайёрлашнинг юқори сифатини таъминлаш;

- талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўришини чуқурлаштириш, уларда таҳлилий фикрлаш, мустақкам касбий кўникмалар, юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни таъминлайдиган ўқув режалари ва дастурларининг амалий мазмунини кучайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа соҳавий вазирлик ва идораларнинг доимий янгиланиб турадиган истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида халқаро соҳадаги кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

- халқаро муносабатлар, хорижлик шериклар билан ҳамкорлик, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг прогноз баҳолари ва истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар самарадорлигини тубдан ошириш;

- халқаро муносабатларнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

- хорижий мамлакатларнинг олий даражадаги расмий тадбирлари ва делегацияларига ҳамроҳлик қилишни таъминлашга сафарбар этилган юқори малакали профессионал таржимонлар ҳамда гидларни ўқитишнинг замонавий услублари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда Университетнинг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

- давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти Университет томонидан

телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказилишини таъминлаш;

- ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳаларининг кенг муҳокамасида Университетнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш;

- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон ва хорижий етакчи мутахассислари, фаол тадбиркорлар билан долзарб масалаларда семинар ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб бориш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммолар ечимига қаратилган илмий-амалий изланишларни олиб бориш;

- Университет раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгилаш, ректор ва проректорлар учун ушбу йўналишда алоҳида “Йўл хариталари” ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминлаш, уларнинг ижросини назорат қилиш;

- Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

## **2. Университет ҳуқуқлари:**

Университет ўз олдига қўйилган вазифаларини амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда таълим стандартларини ишлаб чиқиш, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билимини баҳолаш ҳамда ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёрларини белгилаш;

- Университет таълим йўналишлари бўйича педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режа ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- бакалаврият, магистратура ва олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш;

- Университет, Дипломатик академия, Истиқболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали

тахририятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб қилиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун тўлов-контракт (шу жумладан, оширилган контракт ставкалардан тушумлар) ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда тасарруф этиш;

- Университетнинг фаолият йўналишлари бўйича шартнома асосида консалтинг ва эксперт-таҳлилий хизматларни кўрсатиш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва инновацион-инвестициявий тузилмаларни яратиш;

- Университет тасарруфидаги ЖИДУ академик лицейи ва “Улугбек номидаги Тошкент халқаро мактаби” нодавлат таълим муассасасининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга ўқув-услубий ва ахборот-ресурс базасини мустаҳкамлашга кўмак бериш;

- таълим курсини тугатган талабалар ва тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат бериш;

- ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш;

- бакалавр ва магистрлар учун тўлов-контракт миқдорини ҳамда стипендиялар берилишини мустақил ҳал қилиш.

### **3. Университет мажбуриятлари:**

Университет ўз фаолияти давомида қуйидагиларни бажаришга мажбур:

- университет томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалар ва фан дастурларида белгиланган талаблар бажарилишини таъминлаш;

- баҳолаш тизими ва мезонларини узлуксиз таълим тизими босқичларига мувофиқлаштириш;

- университет таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усуллари, шу жумладан, муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этиш;

- семестр якуни бўйича академик қарздор талабанинг қайта топшириши мумкин бўлган фанлар сонини белгилаш ва уларни топшириш муддатини ўзгартириш;

- университет профессор-ўқитувчилари вақтини ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш, шу жумладан, “устоз – шогирд” тизимини жорий этиш мақсадида ўқув юкларининг ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар “вақт меъёрлари”га риоя қилиш;

- Университетда фаолият жараёнида вужудга келадиган бошқа мажбуриятларни бажариш;

- ушбу Устав талабларига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буйруқ ва кўрсатмаларига, Университет Илмий Кенгаши қарорларига ҳам риоя қилиш .

### Ш. Таълим олувчилар ва тингловчилар

1. Университетга қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 июлдаги 594-сон “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалаврият ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

2. Таянч докторантура ва докторантурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом”га асосан амалга оширилади.

3. Университетда таълим давлат грантлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан тасдиқланадиган контракт (шартнома) шаклида амалга оширилади. Хорижий фуқароларнинг ўқишга қабул қилиниши ва тўловларни амалга оширилиши қонунчилик талабларига асосан амалга оширилади.

4. Университет бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларига бакалавр ва магистр академик даражаси, илмий ихтисосликлари бўйича эса PhD ва фан доктори (DSc) илмий даражалари берилади.

5. Университет талабалари ва тингловчилари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат намунасидаги дипломлар билан тасдиқланган ихтисослик, академик ва илмий даража бўйича олий таълим олиш;
- кутубхона фонди, спорт иншоотлари, компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация воситалари ва техникаси, умумий овқатланиш тармоқлари ва ётоқхонадан фойдаланиш;
- университет ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, жамоатчилик ва хўжалик ҳаётида иштирок этиш;
- шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

6. Университет талабалари ва магистрантларнинг мажбуриятлари:

- олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларида белгиланган талабларни бажариш;
- университетда белгиланган ички тартиб-қоидаларга, Одоб-ахлоқ кодекси, университет ва факультетларда чиқарилган буйруқ ва фармойишлар ҳамда кўрсатмаларга риоя қилиш;
- одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти, коррупцияга қарши курашиш сиёсатига риоя қилиш;
- талаба (магистрантлар) университетда ўрнатилган тартиб қоидаларга, жумладан, эркаклар учун соқол кўймаслик, хотин-қизларнинг университетга келиши рухсат этилган кийимига турли дин, конфессия ҳамда субмаданиятларга

мансубликни акс эттирувчи элементларни (ҳижоб, кипа, кашая, хоч ва бошқалар) кўшишга йўл кўйилмаслиги талабларига амал қилиши;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, бошқа тартиб-қоида нормалари ва талабларига риоя этиш.

#### **IV. Ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлар**

##### **1. Ўқув-услубий ишлар:**

1.1. Ўқув жараёни Университет таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ амалга оширилади. У мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга ошириладиган ислохотлар, унинг жадал тараққиёти, модернизация жараёлари ва шунингдек, Ватан ва жаҳон фани ҳамда маданияти ютуқларини инобатга олган ҳолда ташкил этилади.

1.2. Университет талабаларнинг билимлари устидан назоратни асосан ёзма иш шаклида ва таълим натижаларини баҳолашни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимига мувофиқ амалга оширади. Университетда таълим дастурини ўзлаштириш давлат якуний аттестацияси ва диплом лойиҳаларини тайёрлаш билан тугалланади.

1.3. Ўқув жараёни икки семестрга бўлинади. Таълим жараёни илғор халқаро тажрибалар асосида ташкил қилинади. Ўқув жараёнини ташкил этишда тозалик (санитария ва гигиена) қоидаларга риоя қилинади.

1.4. Университетда таълим тили Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунига асосан амалга оширилади. Буюртмачиларнинг таклифларидан келиб чиққан ҳолда Университет кўп тилли таълим жараёни шаклини амалда қўллаш ҳуқуқига эга.

1.5. Профессор-ўқитувчиларнинг йиллик юklamаси улар томонидан бажариладиган ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва маънавий-маърифий ишлардан ташкил топади. Улар томонидан амалга оширилган фаолият натижаларига кўра моддий рағбатлантириш қўлланилиши мумкин.

1.6. Университет, Дипломатик академия, Истикболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали тахририятининг фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Университет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар, жумладан, таълимнинг тўлов-шартнома шаклидан тушадиган маблағлар, шартнома асосида хизматларни амалга оширишдан тушган маблағлар, грантлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

1.7. Университетда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағлар, хусусан, тўлов-шартнома (жумладан, оширилган шартнома асосида таълим олишга қирувчилар) маблағлари ҳисобидан маъмурий-бошқарув, профессор-ўқитувчи, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан 85 фоиз миқдоригача бўлган моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ташкил этилади.

1.8. Университет ректори Махсус жамғарма маблағлари ҳисобига Университет, Дипломатик академия, Истикболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали тахририятининг ходимларига уларнинг ишлари ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устама белгилаш, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ бошқа қўшимча моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

1.9. Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шунингдек, Университет, Дипломатик академия, Истикболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали тахририятининг ходимларига ойлик устама белгилаш мезонлари Университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ходимларга узоқ йиллик хизмати ва дипломатик ранглари учун ойлик маошларига қўшимча ҳақ Университет, Дипломатик академия, Истикболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали тахририятининг ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

## **2. Илмий-инновацион ишлар:**

2.1. Университетда илмий-инновацион ишлар Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3698-сон қарорига мувофиқ “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Инновацион жамғармаси” ташкил этилган. Кафедралар ва марказлар қошида турли илмий лойиҳалар амалга оширилади.

2.2. Илмий кенгаш, Илмий-мувофиқлаштириш кенгаши ва Университет ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Университетнинг илмий-инновацион фаолиятининг бош йўналишларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.

2.3. Илмий-инновацион ишларга истеъдодли талабалар, магистрлар ва докторантлар ҳам жалб этилади.

2.4. Илмий-инновацион ишлар ваколатли вазирлик ва идораларнинг

талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

### **3. Маънавий-маърифий ишлар:**

Университетда тарбия жараёни ватанпарварлик руҳида тарбияланган, миллий ва умуминсоний ғоя ва қадриятларни эъзозловчи мутахассислар томонидан Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг талабларига мувофиқ ташкил этилади.

## **V. Университетнинг таркибий тузилиши**

1. Университет тузилмаси мазкур Уставнинг иловасида белгиланади.

2. Университет тузилмалари штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет ректори томонидан тасдиқланади. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ташкил этиладиган Университет бўлинмалари тузилмаси ва штатлар жадвали Ректор томонидан тасдиқланади.

3. Университет раҳбарлари, ходимлари ва хизматчиларини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган штатлар жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилади. Профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва талабалар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан белгиланган тартибда молиявий таъминланадилар.

## **VI. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа ходимлар**

1. Университетда профессор-ўқитувчилар, докторантлар, муҳандис-техник, маъмурий, ишлаб-чиқариш, ёрдамчи ва бошқа ходимлар лавозимлари бўлиши кўзда тутилади. Барча лавозимларга Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ходимлар қабул қилинади ва шартномалар бекор қилинади.

2. Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар куйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- ўқув, илмий ва тарбия жараёнига оид масалаларни Университет Илмий кенгашида муҳокама этишда қатнашиш;

- университет кабинетлари, ўқув аудиториялари, ахборот-ресурс маркази, шунингдек, бухгалтерия, ўқув ва илмий марказлар хизматидан фойдаланиш;

- ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминлайдиган ўқув дастурлар мазмуни, ўқитишнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга оладиган таълимнинг услуб ва усуллари танлаш.

3. Университет профессор-ўқитувчилар ва докторантларининг ҳамда ходимларининг мажбуриятлари:

- ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш, талабаларда ташаббускорлик, ижодий қобилиятлар, илмий изланишга бўлган интилишни ривожлантириш;

- ўқитиш сифатини ва самарадорлигини таъминловчи илмий изланишлар олиб бориш;

- университетнинг ички меҳнат тартиби ҳамда Одоб-ахлоқ кодекси қоидаларига риоя қилиш;

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

- юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ва берилган топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик қилмаслик, улар таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

- норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

- ўз хизмат фаолиятига ҳар қандай таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

- ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

- давлат органида хабарлар ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

- коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

4. Дарс машғулотларини ўтказишга ўриндошлик ва соатбай тўлов асосида

республикамиз ва чет эллардаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, вазирликлар ва идораларнинг етакчи мутахассислари таклиф этилиши мумкин. Хорижлик олимлар ва мутахассислар шартнома асосида ишга жалб этилиши мумкин.

5. Ўқув-ёздамчи ва маъмурий-хўжалик ходимларининг ҳуқуқ ва бурчлари ички-тартиб қоидалар ва хизмат вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва шартномаларда, Университетнинг Ички тартиб-қоидаларида, бошқа локал ҳужжатлар асосида белгиланади.

## **VII. Университетга раҳбарлик қилиш**

1. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширилади. Университет фаолиятига умумий раҳбарлик ректор томонидан, у бўлмаган ҳолларда Ректорнинг кўрсатмасига биноан проректорларнинг бири томонидан амалга оширилади.

2. Университет ректори Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

3. Проректорлар Университет ректорининг тавсиясига кўра тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазинининг буйруғига биноан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

4. Университет фаолиятининг асосий масалаларини ҳал этиш учун ректор раҳбарлигида Университет Илмий Кенгаши ташкил этилади. Университет Илмий Кенгаши таркибига проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари, илмий-котиб, ўқув, илмий, маънавият ва маърифат бўлинмалари раҳбарлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва ходимлар кириди.

### **Университетнинг Илмий Кенгаши:**

- Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар, кадрлар тайёрлаш масалалари, халқаро алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, Университет тасарруфидаги муассасалар фаолияти билан боғлиқ масалаларини ҳал этади;

- иш берувчилар иштирокида ишлаб чиқилган ўқув режаларини кўриб чиқади;

- Университет ва унинг бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;

- белгиланган тартибда Университет ўқитувчиларига доцент ва профессор илмий унвонларига тавсия этиш масаласини ҳал этади;

- Университетнинг фахрий доктори даражасини беради.

Илмий Кенгаш йиғилишлари қоидага мувофиқ ҳар ойда бир марта ўтказилади. Илмий Кенгаш аъзоларининг 2/3 қисми “ижобий” овоз берган ҳолда

Илмий Кенгаш қарори қабул қилинади. Илмий Кенгаш қарори Университет ректори тасдиғидан сўнг кучга киради ва бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **Университет Ректори:**

- барча давлат ва бошқарув органлари, муассаса ва ташкилотлар учун Университет номидан фаолият юритади;
- Университет Илмий Кенгаш таркиби ва у ҳақдаги Низомни, Университет бошқаруви остидаги муассаса ва ташкилотлар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;
- факультет деканлари, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий ва маърифат бўлинмалари раҳбарларини тайинлайди;
- молиявий фаолият масалаларини ҳал этади, Университет мулки ва маблағларини белгиланган тартибда сарфлайди;
- Университетнинг барча ходимлари ва талабалари бажариши мажбурий бўлган буйруқ, йўриқнома ва фармойишлар чиқаради;
- Университет ва унинг бўлинмалари ходимларини ишга қабул қилади ва меҳнат шартномаларини бекор қилади, шунингдек, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузади ва бекор қилади;
- белгиланган тартибда тасдиқланган штатлар жадвали бўйича университетни молиявий таъминлаш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлайди;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ўқув юктамалари ҳажмини, илмий, дастурий ёки бошқа маҳсулотлар учун тўлов миқдорини тасдиқлайди;
- университет ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш шакллари белгилайди;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ушбу Уставга оид бошқа фаолиятни амалга оширади;
- Университет Ректори ўзини айрим ваколатларини проректорларга ишончнома асосида бериш ҳуқуқига эга.

### **Дипломатик академия:**

- Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дипломатик кадрлар, жумладан, юқори бўғин дипломатларини (элчи ва маслаҳатчиларни) тизимли равишда тайёрлаш;
- давлат бошқаруви тизими ва маҳаллий ҳокимият органи ходимлари сафидан муносиб номзодларни танлаб олиш, тайёрлаш ҳамда дипломатик раҳбар ходимлар (элчи, бош консул ва маслаҳатчилар) захирасини яратиш;
- камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимларни тор магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар ҳамда ходимларни қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида тўлов-шартнома асосида,

шу жумладан, масофавий тарзда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига мувофиқ хорижга узоқ муддатли сафарга чиқиб кетаётган ходимлар, шу жумладан, маъмурий-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун мезбон мамлакатнинг ўзига хосликлари, дипломатик протокол ва этикет хусусиятлари, чет элда яшаш ҳамда маҳаллий аҳоли билан мулоқот қоидалари кабилар билан таништиришга қаратилган қисқа муддатли курслар ташкил қилиш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан биргаликда магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим бўйича қўшма таълим дастурларини жорий қилиш;

- дипломатик фаолиятни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, халқаро муносабатларнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларни, шу жумладан миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

- республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари учун Университет таълим йўналишларига мос бўлган доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

- таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва масофавий таълимни кенг жорий этиш;

- дипломатик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган етакчи хорижий таълим ташкилотлари билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

### **VIII. Университет жамоат ташкилотлари**

1. Университетда “Маънавият ва маърифат” маркази, Касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кенгаши, Битирувчилар ассоциацияси, Мураббийлар кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари тузилади ва фаолият кўрсатади.

2. Талабалар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, маъмурий ва ўқув-ёрдамчи ходимлар таркибини бирлаштирувчи Университет жамоат бирлашмаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва бирлашма Уставига мувофиқ тузилади ва фаолият кўрсатади.

### **IX. Университет мулки ва маблағлари**

1. Университет мулки унинг ҳисобида бўлган, шу жумладан хўжалик ва бошқа фаолият натижасида яратилган бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва бошқа мулклардан иборат.

2. Университет маблағлари қуйидагилар ҳисобидан ташкил этилиши мумкин:

- Университет, Дипломатик академия, Истикболли халқаро тадқиқотлар институти ва “Халқаро муносабатлар: сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ” журнали тахририяти фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Университет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари, жумладан, таълимнинг тўлов-шартнома шаклидан тушадиган маблағлар, шартнома асосида хизматларни амалга оширишдан тушган маблағлар, грантлар, шунингдек, хорижий ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

- вазирлик, идора, концерн, уюшма, корхона, ташкилотлар томонидан мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун тўланадиган маблағлардан;

- Университет қошида тузилган хўжалик ҳисобидаги тижорат тузилмалари фойдасидан ажратмалар, буюртма ва ижодий ишларни бажариш, жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишдан тушган даромад;

- Республика ва хорижий корхоналар, ташкилотлар, тижорат тизимлари, хусусий шахслар ва ҳомийлардан тушадиган ихтиёрий бадаллар;

3. Университет Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ мулкӣ ҳуқуққа ва мол-мулкларга эга бўлиши мумкин ва ихтиёридаги мулк учун жавобгар.

## **Х. Халқаро фаолият**

1. Университет раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, хорижий ташкилотлар билан кадрлар тайёрлаш соҳасида шартномалар тузиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга.

2. Халқаро фаолият доирасида Университет талабалари, магистрантлар, катта илмӣ ходим-изланувчилар, тингловчи ва амалиётчи ходимлари хориждаги таълим марказлари ва халқаро ташкилотларда малакавий ва дипломолди амалиёти, малака ошириш ва стажировкадан ўтади.

3. Талабаларнинг чет элларда ўқиши ва профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши ва стажировкалари халқаро шартномалар, давлатларaro келишувлар, Университетнинг чет элдаги ҳамкорлари билан индивидуал (хусусий) шартномалар асосида амалга оширилади.

4. Университет шартнома асосида амалдаги қонунларга мувофиқ чет давлатлар кадрларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

5. Бакалавриат, магистратура ва олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналишлари бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиши мумкин.

## **XI. Университет фаолиятини назорат қилиш**

1. Университет ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисобот ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун масъулдир.

2. Университет фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Кузатув кенгаши ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **XII. Университетни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

1. Университет фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қайта ташкил этиш (*қўшиш, бўлиш, ажратиш, қайта ташкил этиш*) ва тугатиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

2. Уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш Университет Илмий Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва Ректор томонидан тасдиқланганидан сўнг буйруқ асосида амалга киритилади.